



ЭТНОМАДАНИЙ ТУРИЗМДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
Т.Р.САФАРОВА

АННОТАЦИЯ

Маълумки, глобаллашув даврида ижтимоий сиёсий иқтисодий интеграция ривожланди. Туризм бу жараённинг таркибий қисми, маданиятлар диалогининг воситаси, халқлар ва миллатларнинг ўзаро алоқаси омили сифатида муҳим аҳамият касб этиди. Шу нуқтаи назардан биз мазкур мақолада туризмнинг генезисини ўрганиш учун турли адабиётларда тушунчага берилган таърифларни таснифлаймиз.

Калит сўзлар: этнос, генезис, Буюк Ипак Йўли, маданият, аксиология, халқлар, урф-одат, анъана, карвон йўллари, тилмоч.

«RESEARCH AND PUBLICATIONS»
**ТРАНСФОРМАЦИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ В
ЭТНОКУЛЬТУРНОМ ТУРИЗМЕ
ТАШКЕНТСКИЙ ФИНАНСОВЫЙ ИНСТИТУТ
САФАРОВА Т.Р.**

АННОТАЦИЯ

В эпоху глобализации получила развитие социально-политическая экономическая интеграция. Туризм важен как составная часть этого процесса, как инструмент культурного диалога, как фактор взаимодействия народов и наций. С этой точки зрения в данной статье мы классифицируем определения этого понятия в различной литературе по изучению генезиса туризма.

Ключевые слова: этнос, генезис, Великий Шелковый путь, культура, аксиология, народы, обычай, традиция, караванные пути, переводчик.

Ўзбекистонда кейинги йилларда жадал ривожланиб бораётган соҳалардан бири туризм ҳисобланади. Мамлакатимизга ташриф буюраётган кўплаб сайёҳлар



юртимизнинг ўзига хос жиҳатлари, қадриятлари, тарихий обидалари, ўзига хос иқлимга эга табиати қўришга қизиқиш билдиришмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги мамлакатлар орасида нисбатан катта туристик имкониятларга эга бўлиб, бу соҳада юқори даражада рақобатга бардош бера оладиган ҳамда туризмни янада ривожлантириш имкониятларига эга бўлган мамлакат ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон БМТ нинг Бутунжаҳон туристик ташкилоти (UNWTO)нинг “Буюк Ипак Йўли” лойиҳасининг асосий бўғини бўлиб ҳисобланади. Ташкилотнинг “Буюк Ипак Йўли” лойиҳасида асосан маданий туристик маҳсулот таклиф этилади. Бу лойиҳа бўйича саёҳатга чиққан туристлар асосан маданий туризм ихлосмандлари бўлишиб, улар ўзга халқларнинг маданияти, тарихи, яшаш тарзи кабиларга катта қизиқиш билдиради. Бундан кўриниб турибдикি, туризм тармоқлари, айниқса, этномаданий туризмни тараққий эттириш, ушбу тармоқнинг ҳуқуқий-ташкилий шарт-шароитларини янада яхшилаш, уни мустақил соҳа сифатида жадал ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни давр тақозо этмоқда. Этномаданий туризм” атамаси учта “этнос”, “маданият” ва “туризм” сўzlари бирикмасидан ясалган бўлиб, мутахассислар уни, яъни этномаданий туризмни халқлар, миллатлар маданияти, археологияси, этнографияси, санъати ва турмуш тарзи билан боғлаб ўрганишни тавсия қиласидар.[1] Ҳозирги кунда бутун дунёда этник маданиятга қизиқиш, этник ўзини-ўзи англаш ўсмоқда. Этномаданий меросни, ўзига хосликни, маданий хилма-хилликни сақлаш, туризм ва маданиятнинг ўзаро фаолияти муаммоларига эътибор кучайиб бормоқда.[2]

Этномаданий туризм ривожи турли халқларнинг маданиятларини ўзаро яқинлаштиришга хизмат қиласиди, бу маданиятларнинг ўзига хослигини қадрлаб, янада бойитилишига олиб келади. Ўзининг ноёб санъати, дини, тарихи, маданиятига эга этнос яшаётган жой этномаданий туризм учун ресурс бўлади. Халқлар санъатини, халқ ижодиётини ўрганиш этномаданий туризмнинг таркибий қисмидир. Чунки санъат ёдгорликларида халқнинг ҳозирги куни ва ўтмиши, маънавий ҳаётининг ноёб хислатлари мужассам этади. Халқ ҳунармандчилиги, халқ санъати ва ижодиёти туристларни ҳар доим қизиқтиради, уларни тубжой этносларининг ўзига хос



маҳаллий маданияти, анъаналари ва урф-одатлари, турмуш тарзи билан таништиради. Бетакрор тарихий обьектларнинг мавжудлиги минтақада этномаданий туризмни муваффақиятли ривожлантиришнинг омили ҳисобланади. Тарихий ресурс маданий ва табиий мерос билан чамбарчас боғланган. Этномаданий туризм миллий табиий, тарихий ва маданий меросни, ўлка анъаналарини сақлашга ва улардан фойдаланишга асосланган. Ҳар бир ўлка ноёб маданий ва табиий меросга эга. Этномаданий туризм ана шу бойлиқдан туристик мақсадларда фойдаланишга қаратилган. Айнан этномаданий туризм ўлканинг ноёблигини очиб беради, табиий ва маданий меросга рационал ва эътиборли муносабатда бўлишга даъват этади. Этномаданий туризм орқали маданиятдаги анъаналар, янгиликлар ва меъёрлар очиб берилади.

Тарихий манбаларнинг хабар беришича, эрамиздан аввалги VI-V асрлардан Ўрта Осиё, Хитой, Эрон, Месопотамия, Ҳиндистон ўртасида турли алоқалар шаклана бошлайди. Бақтрияning йирик шаҳарлардан бири бўлган, унда зардуштийлик кенг тарқалган, саклар, массажетлар, парфияликлар, кушонликлар, скифлар, юэчжилар улкан кенглиқда, даштда истиқомат қилган, улар ўзига хос ижтимоий-маданий ва сиёсий бирлик ташкил этишган. Масалан, 139 йили Хитой императорининг махсус ходими Ўрта Осиёга келган ва унинг халқлари, географияси ва этносларнинг урф-одатлари тўғрисида зарур маълумотлар тўплаган. Суғдлик савдогарлар Хитой князликларига, Ҳиндистонга, ҳатто Александрияга боришган. Кушон элчилари эса Рим императори Август саройида бўлишган [3].

Геродот, тарих фанининг отаси, Марказий Осиё халқлари ҳақида этнографик маълумотлар келтира туриб, Аристей деган шахс номини тилга олади ва уни исседонлар Марказий Осиё халқларига оид этнографик маълумотлар беради, уларнинг майший ҳаёти ва урф-одатларини баён қилади, деб ёзади. Шунингдек, Арриан ва Квинт Курций Руфлар ҳам Самарқанд ҳақида ҳайратланиб ва фахрланиб ёзишади [4]. Мазкур тарихчилар, солномачилар юонон македонияликлар сафида бўлишган, уларнинг ҳикоялари анча ишончли ва асослидир. Демак, ҳарбий юришларда қатнашган айрим кишилар, солномачилар, илм аҳли ўзлари гувоҳ бўлган, эшитган нарсаларни, даври учун муҳим бўлган воқеларни, ҳодисаларни ёзиб



қолдирганлар. Ўша пайтларда сайёхлик касб, машғулот бўлмаган, солномалар ва сафарномалар битиш тасодифий олиб борилган.

Шарқ халқарида саёҳатномалар қолдирган элчилар, сайёҳлар, савдогарлар ва олимлар етарлича учрайди. Улардан Носир Хисров (1003-1088) араб мамлакатларига қилган саёҳатлари, Абдураззок Самарқандий (1413-1482) Ҳиндистон сафарлари, Ибн Хурдодбех (820-913), Ибн Ҳавқал (976 йилда вафот этган), ал Идрисий (1110-1161), Абул Фидо (1273-1331), Ал Хоразмий (783-850), Абу Райҳон Беруний (973-1048)нинг асарларидаги турли ўлкалар ва халқлар ҳақидаги маълумотлари мавжуд. Уларнинг ҳар биридан этнографик, географик ва ижтимоий ҳаётга оид маълумотлар топиш, келтириш мумкин.

Ўрта Осиёлик олимлар асарларида Хитой ва Шарқий Туркистоннинг географик ўрни, табиати, хўжалиги, шаҳарлари, халқлари, урф одатлари, савдо йўллари ҳақида ва бошқа маълумотлар бор. Масалан, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг “Китоб сурат ал-арз” (“Ернинг сурати китоби”да шаҳарлар жойлашишига қараб Ўрта Осиёдан Хитойга икки йўналишда (шимолий Еттисув орқали, жанубий-Фарғона водийси орқали) борадиган йўлларни кўриш мумкин. Абу Райҳон Берунийнинг “Қонуни Маъсудий” китобида Шарқий Туркистон ва Хитойнинг йирик шаҳарлари рўйхати, уларнинг географик кенглик ва узунликлари берилган. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғот ат-турк” асарларида бу ўлкаларнинг тоғу тошлари, казилма бойликлари тавсифланган” [5].

Берунийнинг “Ҳиндистон” асари сафарнома битиш борасидаги энг йирик ва қимматли тажрибадир. Унда олимнинг Ҳиндистонни кезиб қандай материаллар тўплагани, илм фидойи сифатида инсон ақлу идрокига мувофиқ келадиган барча ажойиботларни тўплагани кўринади. Беруний ҳар бир шаҳар, ҳар бир вилоят ва ҳар бир жойдаги урф одатларни, жуғрофий ўзига хосликларни, илмий натижаларни келтиради, таҳлил қиласи [6].

Умуман, Ўрта Осиёдан Хитойга, Ҳиндистон, Эрон, Бобил ва Арабистонга жуда кўплар борган, ушбу ўлкалар ҳақида муҳим манбалар тўплаган ва ёзиб қолдирганлар. Бунда бирорлар савдо қилгани борсалар, бошқа бир тоифа сайёҳлар ислом дини



тарғиботчиси сифатида ташриф буюрганлар, баъзи бирлари эса элчи ёки шунчаки оддий сайёҳ бўлиб ҳам бориб келганлар.

Бугунги кунда Ўзбекистон мисолида қарайдиган бўлсак, республикамиздаги ҳар бир вилоят, ҳар бир туман, шаҳар ўзининг локал этномаданияти ва этноанъаналарига эга. Улардаги тарихий маданий бойликлар, артефактлар асло бир бирини такрорламайди, бири биридан фарқ қиласди. Ҳатто умумий давлат тили мавжуд бўлса-да, ҳар бир вилоят аҳолиси ўзлахжасида гапиради, ўзига хос маданий хўжалик типларини яратган. Айниқса Республиканинг Хоразм, Қашқадарё, Суҳондарё, Фарғона вилоятларида этномаданий туризм ривожланиш имконияти катта ҳисобланади. Термиз шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро бахшичилик санъати фестивали фикримизнинг ёрқин мисоли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “турли халқларнинг миллий ўзлигини, уларнинг тили ва ҳаёт тарзини, анъана ва урфодатларини ифода этадиган бахшичилик санъати умумбашарий маданиятнинг узвий қисми сифатида барчамиз учун қадрлидир. Жаҳон маданий меросининг бу ўлмас асарлари бизга инсониятнинг наслу насли, тарихий илдизлари, олижаноб идеаллари бир эканини, бинобарин, турли миллат ва элат вакилларининг келажак сари интилишлари ҳам муштарақ эканини англатади” [7].

Хулоса қилиб айтганда, этномаданий туризм ноёб тузилишга эга бўлган, ўзига хос маънавий ва моддий маданияти, табиий ва маданий мероси билан бошқа жамоалардан, ажралиб турадиган, ўзига хос тузулишга эга бўлган бир гурӯҳ кишиларнинг яшаш жойларига саёҳатdir.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Квартальнов В.А. Туризм. Учебник. Москва: Финанси и статистика, 2002
2. Бутузов А.Г. Состояние и перспективы развития этнокультурного туризма в Российской Федерации / А.Г. Бутузов // Сервис в России и зарубежом. - 2009. - №4. - С.11-15.
3. Древние авторы о Средней Азии. Ташкент: Гос. изд. научно технической и соц. эконом. литер., 1940. С. 12, 13.



4. Древние авторы о Средней Азии. Ташкент: Гос. изд.научно технической и соц. эконом. 1940 С. 53, 66.
5. Ўринбоев А., Бўриев О. Ғиёсиддин Накқошнинг Хитой сафарномаси. Тошкент: Фан, 1991. 4-5 б.
6. Абу Райхон Беруний. Ҳиндистон.-Тошкент: Фан, 1973
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро баҳшичилик санъати фестивали очилишига бағишлиланган тантанали маросимидағи нутқи. 2019 йил 07-апрель

